

**O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta  
maxsus ta`lim vazirligi**

**Toshkent Moliya instituti**

**Hisob va audit fakulteti**



# Mustaqil ish

**Mavzu:** Yurtimizda o`tkazilayotgan saylov  
tamoyillari

Bajardi: **O`rinov Sarvar**

Guruh: **HBA-91**

Tekshirdi: \_\_\_\_\_

**Toshkent – 2017**

# Юртимизда ўтказилаётган сайлов тамойиллари

Режа:

1. Республикамизда ўтказилаётган президентлик сайловини очик, ошкора ва адолатли тарзда ўтишига қаратилган саъй-ҳаракатлар
2. Сайловнинг очиклиги ва ошкоралиги
3. Адолатли сайловлар
4. Хаққоний сайловлар.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги энг юқори демократик стандартларга мос булиб, мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида зиммасига олган мажбуриятларига тўла жавоб беради.

Аввало, ушбу қонунчилик асоси инсон ҳуқуқ хамда эркинликлари, шу жумладан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилишини кафолатлайди. Бу ҳуқуқлар дастлаб БМТ томонидан 1966 йилда кабул килинган Фуқоролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда акс этган бўлиб, кейинчалик БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси хужжатларида янада ривожлантирилди.

Иккинчидан, унда демократик сайловларни ўтказишнинг аниқ, тартиб- га ҳақли эмас. Президент сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита таомили белгиланган бўлиб, сайлов тизимининг барча жихати қамраб олинган. Сайловнинг ҳуқуқий асос- лари аниқ, изчил ва содда тузилган. Мазкур соҳадаги барқарор қонунчилик эса сайлов жараёни иштирокчилари учун аниқликни таъминлаши билан жуда аҳамиятлидир.

Учинчидан, ушбу ҳуқуқий асос жамиятнинг барча қатлами манфаатла- ри инобатга олинган холда, очик, ва ошкора ишлаб

чиқилган бўлиб, турли сиёсий партиялар, номзодлар томонидан ҳам, сайловчилар томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Тўртинчидан, бу ҳуқуқий тизим ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ҳамда мулкӣ мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машгулотининг тури ҳамда хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқини таъминлайди ва фуқароларнинг уз хоҳиширодасини эркин билдиришига хизмат қилади.

Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғриси- да”ги қонун умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда, фуқаролар сайлов ҳуқуқларига риоя қилишнинг муҳим кафолатлари сифатида қуйидаги асосий тамойилларни белгилайди:

**Адолатли сайловлар.** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик куриш ҳамда уни утказишни мустақил сайлов комиссиялари холис, очиқ ва ошкора амалга оширадилар. Сайловни тайинлаш, унга тайёргарлик куриш ҳамда утказишга доир қарорлар расмий эълон қилинади, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунда кўзда тутилган тартиб ва муддатларда жамоатчилик эътиборига етказилади. Бу, ўз навбатида, сайловнинг миллий ҳамда халқаро кузатувини амалга ошириш учун кенг имконият яратади.

**Эркин сайловлар.** Фуқаролар сайловда эркин ва ихтиёрий равишда қатнашадилар. Хеч кимнинг уларни муайян бир номзодни ёқлаб ёки унга қарши овоз беришга мажбур қилишга ҳаққи йўқ. Шу билан бирга, ҳеч ким фуқарога уни сайловда иштирок этишга мажбурлаш максатида ҳамда унинг ўз хоҳиширодасини эркин билдиришига таъсир курсатишга ҳаққи емас. Президент сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Фуқароларнинг хошиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йул қуйилмайди. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг хозир булиши

такикланади.

**Хаққоний сайловлар.** Сайловлар фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириши ва уни бевосита амалга оширишини таъминлайди. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тугрисида”ги қонун сайловчиларга номзодларни танлаш имкониятини беради. Хозирги кунда мамлакатимизда сиёсий плюрализм, гоёлар хилма-хиллиги ҳамда кўппартиявийлик амалда тўлиқ таъминланган. Сайловлар кўппартиявийлик асосида утказилади. Сайлов муддати ва тартиби Президентликка номзодларга, сайлов жараёни иштирокчиларига кенг куламли ҳамда тулаконли сайловолди ташвиқотини олиб бориш имконини беради.

Юртимизда хаққоний сайловни ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни руйхатга олиш учун тенг ҳуқуқий шароитлар яратилган. Руйхатга олиш тартиби аниқ ва ту- шунарли килиб таърифланган. Унда ким учундир имтиёз бериш ёки кимнидир чекпаш учун асос буладиган шароитлар кўзда тутилмаган. Овозларни санаб чиқиш, овоз бериш яқунлари ҳамда сайлов натижаларини сохталаштириш, фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишига тўсқинлик қилиш қонун билан тақиқланган.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тугрисида”ги қонуннинг 7-моддасида сайловни ўтказишга оид қонун ҳужжатлари қоида ва тартибини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

**Адолатли сайловлар.** Сайловларнинг адолатлилиги тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тенг ҳуқуқий шароит таъминланади. Бу, авваламбор, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқда айна пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этишда, шу жумладан, омма- вий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятларни яратишда кўзга ташланади. Шу билан бирга, сайловни, номзодларнинг сайлов кампаниясини адолатли ва ошкора

молиялаштириш, сайловнинг барча тадбирини расмий эълон қилиш орқали овоз бериш натижалари ҳақида тўлиқ ва тезкорлик билан хабардор қилиш, қолаверса, очик, ҳамда ошкора, жамоатчилик ва халқаро кузатувчилар назорати остида фаолият юритадиган мустақил сайлов комиссиялари томонидан сайлов жараёни ташкил қилиниши ҳам адолатли сайлов гарови ҳисобланади. Қолаверса, фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сайлов кампанияси бошка иштирокчиларининг ушбу сиёсий тадбир доирасида ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги юзасидан шикоятлари судлар, бошка ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан тезкорлик билан самарали кўриб чиқилиши эса ушбу таъминлашни амалда руёбга чиқаришга хизмат қилади.

**Мустақил сайлов комиссиялари томонидан сайловларни ўтказиш.** Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқ ҳамда эркинлигини таъминлаш, шунингдек, уларга риоя этилишини назорат қилиш Конституция ва қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида ҳолис фаолият юритадиган мустақил сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади. Конституциямизнинг 117-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ҳамда адолатлиликдан иборат булган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Сайлов комиссияларини шакллантириш, уларнинг ваколатлари ва фаолиятини амалга ошириш қонун билан белгиланади. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тугрисида”ги қонунда сайлов комиссиялари тизими, уларнинг ваколатлари, фаолиятини ташкил қилиш муддати мустаҳкамланган.

Марказий сайлов комиссияси фаолияти “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тугрисида”ги алоҳида қонун билан тартибга солинади. Тегишли сайлов комиссияларининг уз ваколатлари доирасида қабул этган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир. Давлат ва жамоат идоралари, сиёсий партиялар идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг уз ваколатларини амалга оширишларига кўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот ҳамда материалларни тақдим этишга мажбурдирлар.

**Сайловни ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов кампаниясини давлат томонидан молиялаштириш.** “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ, харажатлар Ўзбекистон Респуб- ликасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Давлат сайловида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга уз сайлов кампаниясини молиялашти- риш учун бюджет маблағларининг қонунларда кўзда тутилган ҳолатларда ва тартибда адолатли ажратили- шини таъминлайди. Президентликка номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ҳамда ўзга тарзда моддий жиҳатдан кўллаб- кувватлаш тақиқланади. Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари уз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда бе- ришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади. Бунда сайловда иштирок этаётган номзодлар, сиёсий партиялар сайлов кампаниясини бирор-бир хорижий маблағлар асосида молиялаштириши тақиқланади.

**Сайлов кампаниясини ёритиш- га, номзодлар ва сиёсий**

партия-ларга ташвиқот фаолиятини олиб боришга давлат томонидан ахборот кўмаги берилиши. Давлат сайлов, номзодлар ҳақида ахборотни излаш, туплаш, таркатиш эркинлигини, оммавий ахборот воситаларида сайловнинг холис ёритилишини таъминлайди. Қрнунчиликка мувофиқ, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар курсатилиши, уларнинг сайловолди дастурлари, сайлов кампаниясининг бориши \*амда овоз бериш яқунлари ва сайлов натижалари ҳақида аҳолини хабардор қилади.

Давлат фуқароларга, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини қонун рухсат берган барча тур, шакл ва усулларда, шунингдек, қонунда қўзда тутилган тартиб \*амда муддатларда эркин олиб боришни таъминлайди. Қрнунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, барча номзодга уз сайловолди ташвиқотини олиб бориш, шу жумладан, Сайловолди дастури қоидаларини қенг тарғиб қилиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда адолатли ва тенг шароитлар таъминланади. Айти пайтда оммавий ахборот воситалари эркинлигини суиистеъмом қилишга йул қуйилмайди.

Оммавий ахборот воситаларида таркатиладиган ахборот \*ақ,иқ,атга мос бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги қерақ. Ҳақ,иқ,атга тугри қелмайдиган маълумотларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг шаъни \*амда қадр-қимматиға путур етказадиган маълумотларни таркатиш тақиқланади.

**Миллий, хорижий ва халқаро қўзатувчилар иштироки.** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ҳар бири қонун билан белгиланган тартибда \*ар бир сайлов участкасига биттадан қўзатувчи тайинлашга \*ақ,ли. Улар овоз бериш қоналарида қўзатувни амалға ошириш ҳуқуқиға эға. Қўзатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан белгиланган.

Халқаро кузатувчиларнинг сайловда иштироки сиёсий тадбирнинг очик, ҳамда ошкоралигига, давлатнинг халқдро мажбуриятларга риоя этишига хизмат килади. Уларнинг фаолияти халқдро хужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси крнун хужжат-лари билан тартибга солинади. Халқ- аро кузатувчилар давлат ^удудига крнунда белгиланган тартибда киришга рухсат олади ҳамда тегишли таклифнома булган тақдирдагина Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитация дан утказилади. Марказий сайлов комиссияси бошқа давлатлар, халқдро ташкилотлар ва х,аракатлардан кузатувчиларга ўрнатилган намунада мандат беради. Бундай мандат халқаро кузатувчига сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш даврида кузатувни амалга ошириш ҳукукини беради. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сай- лови тугрисида”ги Конуннинг узига хос жиҳати шундаки, унинг 5- модда- сида сайлов кампанияси бошлани- шидан овоз бериш натижалари эълон қилингунгача булган даврдаги барча жараённи кузатишга рухсат берилиши кафолатланган. Бу халқ, аро ама- лиётда жуда кам учрайдиган мажбуриятлардан биридир.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тугрисидаги конун хужжатларини бузганлиги устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва жавобгарлик.** Фуқаронинг сайлов қуқук хадмда эркинликлари бузил- ган ҳолатда жабрланган шахе ёки шахслар мустақил судларга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Конун ва бошққа норматив-уқуқий хужжатлар билан тақиканган аракатлар (аракатсиз- лик)ни содир этган айбдор шахслар конунларга мувофик, жавобгарликка тортилади. Бунда сайлов конунчилиги бузилганлиги га оид шикоят ҳамда аризалар уч кун ичида, сайлов куни келиб тушса, дарҳол куриб чиқилади.

**Камситмаслик тамойили ва камситиш деб ҳисобланмаслиги керак булган чоралар.** Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига оид юкррида зикр этилган қуқук, ҳамда эркинликлари қонун билан чекланиши мумкин. Агар бунда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига мувофик,

озодликдан марум этиш жойларида сакланаётган шахсларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқ ини чекпаш кузда тутилса, у ҳолда бу камситиш хусусиятига эга чора сифатида кўрилмайди.

Сиёсий партиялар ташкил этилиши ва фаолиятига боғлиқ ҳолда номзодлар курсатилиши ҳамда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқ ва эркинликларини чекпаш кузда тутилиши мумкин. Бу чекпашлар ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ҳамда мулкӣ аволига, иркий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машгулот тури ва хусусиятига караб амалга оширил маслмги керак, Чеклашдар- фз.цатги на Узбекистон Республикаси Консти- туцияси, “Узбекистон Республикаси Президенти сайлови тугрисида”ги К,онун билан белгиланиши мумкин ҳамда миллий хавфсизлик, жамоат тартибини саклаш, жамият фаровонлиги йулида, шунингдек, фуқаролар- нинг ҳуқуқ ва эркинликпарини таъминлаш мақсадидагина асосли кулланилиши мумкин. Энг мух,ими, бундай чекпашлар давлатнинг халққаро мажбуриятларига мувофиқ булиши лозим.

**Хулоса:**

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, юртимизда ўтказилаётган президентлик сайловига изчил таёргарликлар, тадбирлар ўтказиляпти. Бунинг мисолида, юртимизда кўплар ташкил этилаётган сайлов участкаларида қизгин таёргарликлар ҳамда сайловни ўтказишда очиқликб ошкоралик ва адолатлилик хусусиятларига ката аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, жисмоний имконияти чекланганлар бир ҳамюртимиз учун кенг миқёсда ўтказиб борилаётган чора тадбирлар уларнинг сайловда қатнашишни, беками-кўст ўтишини таъминлашга ҳам ката ишлар амалга ошириляпти десак муболага бўлмайди.

## Фойдаланилган адабиётлар:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасида нашр қилинувчи “Халқ сўзи” газетаси 2016-йил 16-ноябр сони;
- Ўзбекистон Республикасида нашр қилинувчи “Тошкент оқшоми” газетаси 2016-йил 15-ноябр сони;
- Ўзбекистон Республикасида нашр қилинувчи “Ишонч” газетаси 2016-йил 17-ноябр сони;